

ISSN 0134-4293

Өзбекстан Республикасы Илимлар  
Академиясы Қарақалпақстан бөлиминың

# ХАБАРШЫСЫ ВЕСТНИК

Каракалпакского Отделения  
Академии Наук Республики Узбекистан

Нөкис 2005 Нукус

3

## ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИДА ФАЛСАФИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ МУАММОСИ

С.Матякупов

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, Нукус шаҳри

Мустақиллик шарофати билан адабиётимизнинг барча тур ва жанрларида кузатилаётганидек, ҳикоячилигимизда ҳам сифат ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни кечмокда. Бу нарса биринчি галда, янги қаҳрамонларнинг маънавий-интеллектуал фаолиятида руҳоний хаётиди намоён бўлаётир.

Маълумки адабиёт ва санъат ҳамиша инсон билан тирик. Инсоннинг жамият, табиат, олам сирсиноатлари билан алоқалари санъатнинг боқий мавзуи. Шу жумладан, адабиётшуносликнинг ҳам энг муҳим муоммоларидан хисобланади. Ҳар бир давр адабиёти қаҳрамонларнинг фалсафий-эстетик, психологияк дунёси билан бир бирдан фарқ қиласди. Шу маънода мустақиллик даври ҳикоячилиги қаҳрамонларнинг бадиий-эстетик дунёси, маънавий ахлоқий изланишлари, интеллектуал дунёси ўрганилиши илмий-назарий умумлашмасини кутаётган долзарб масалалардан хисобланади.

Ана шу мулоҳазалар асосида ёндашган ҳолда ушбу мақоладан кўзда тутилган асосий мақсад мустақиллик даври ўзбек ҳикояларида хусусан, X. Дўстмуҳаммаднинг "Бўғун эрталаб" асари мисолида бугунги ҳикоялардаги қаҳрамонлар ва уларнинг гояй-эстетик, фалсафий-психологик таҳлил моҳиятими, табиатини очищдан иборат.

Сўнгги йиллар ўзбек ҳикоячилиги бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўлами, миқёси, илмий-назарий савијаси кутлуг самараларига эришашётганигидан далолат беради. Жумладан, ҳозирги ўзбек ҳикоячилигига бадиий тафаккурнинг янгиланиши, миллтий қаҳрамон муоммоси, бадиий-услубий изланишлар, воқеаликни бадиий идрок этиши принциплари бир қатор ёзувчилар ижоди мисолида умумлаштирилди (1).

Кўринадики, ҳар бир тарихий ижтимоий даврда дунёқарашлар, мағкуралар ўзгаргани сингари инсонга бўлган қарашларнинг, инсон феноменининг талқин хусусиятлари ҳам ўз тарихига эга. Инсоннинг вазифаси масъулияти, бир сўз билан айтганда, табиат жамият ҳодисаларига ижтимоий воқеаликка муносабати замонлар ўтиши билан ўзгариб келган. Шу маънода мустақиллик даври ўзбек ҳикоячилигига янги қаҳрамонларнинг маънавий-интеллектуал, фалсафий-психологик дунёсини давр, жамият ва ижтимоий воқеалик билан уйғунликда ўрганиши ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир. Чуники, Инсон-жамиятнинг онгли, жонли аъзоси. У тарихни яратувчи дунёвий умумбашарий қадриятлар асосида давр қиёфасини ўзгартирувчи буюк куч.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бўғун эрталаб" ҳикоясида психологик таҳлил, туйгулар реализми ўзгача кўринишга эга. Қаҳрамон ҳамма ҳикояларидагидек исм-шариғли эмас. У шеърлардаги лирик қаҳрамонга ўхшаб кетади. Яъни, дилидагини зохир этаётган шахс. Адибнинг лирик қаҳрамони ўз кўнглини тафтиш этиш, туйгулар ҳолатини тушунтириш, мазкур кечинмалар табиатини ижтимоий воқеалик, ҳаёт реалликлари билан уйғунликда кузатаётган, ўз кечмишидан фалсафий маънолар ўқишга ҳамда уқишига мойил интеллектуал шахс. "Каллани ишлатиш керак". Ана шу таъкид, уқдириш, даъват қаҳрамонни ўзига,

ўзлигига, кечмишига, бугуни ва эртасига назар ташлашга, ўтаётган кунларидан маъно топишга undайди.

"Одамзод қавми дунёга келиб ортирган дунёси ҳам шу каллани ишлатиш!.. Айни сахармардондан акл-шууримни қийин-қистовга олаётган бу ғалати "Каллани ишлатиш керак!" деган маломатомуз жумланинг бугунга қандай даҳли бор?! Нима, каллалар ишламаятими? Ахир, инсоннинг калласи ишлайтики, дунё мавжуд, акс ҳолда нак қўёшнинг кораси ўчарди. Қанақасига ўчишини ҳам айтами, Офтобнинг ҳарорат манбаи бор-ку, ўша одамларнинг миисига жойлашган, тушундинги азизим. Миялар қанчалик бақувват ва соғлом ишласа, қўёшнинг нури шу қадар кучаяди. Кучайиш суръати секинлашса борми, қўёш сўнадиколади" (2).

Инсонни олқишилаш ёки койиш осон. Энг оғирি энг мушкули-уни тушуниш амри-маҳол. Ёзувчи қаҳрамоннинг қисматини англашга, кечмиши саҳифаларини ўқиши баробарида бизга ҳам тушунтиришга интилади. Қаҳрамон ўз қалбидан килт этиб тебранган ҳиссият маъносини уқишига мойил, ва шу билан баробар, теварак-атрофидаги воқеаходисаларни ҳам англашга ташна. Уларнинг юзага келиши, туғилиши, ўсиши, сўниши бир-бирига боғлиқ, бири-иккинчисини тўлдирувчи, бойитувчи жараёнлар.

Ёзувчи қаҳрамонни энг нозик ва қалтис холатларга солиб қўяди, борлигини, бу ёруғ оламда борлигини кузатади.

"...Одамзод қавми ақлдан қочиб кутила олмаганки, ҳаёти қил устига кеп қолди. Ман-ман деган одамлар ақлдан воз кечаман, ақлнинг измига юрмайман, деган қарорга келган заҳоти билиш, билишга ташналиқ, боя айтганим-қизикиш бутун аъзойи баданин занжирбанд этади. Занжирбанд этиб, дунёни кўзингта шу қадар тор ва қоронгу қилиб қўядики, зиммасига ўн саккиз минг олам мувозанатини сақлаш юки ортилган бирдан-бир фикрловчи каллали жонзод-инсон олий мувозанат чизган чизикдан узоқлаша олмайди. Балки, ўша тақдир чизигига монанд тугилади, кўпаяди, яшайди, ўлади, қирилади. Яхши ҳам, ёмон ҳам, шоҳ ҳам, гадо ҳам..." (3). Бу ерда туйгулар синтези, лирик эҳтирос, фалсафий мушоҳадокорлик инсонни бадиий идрок ва ифода этишдаги етакчи принциплар сифатида зоҳир бўлаётир.

"Билишга ташна бўлсанг калланг ишлайди, калланг ишлагани сайин қўёшнинг тафти сакланади: шундан заминда ҳаёт шаъми сўнмайди. "Билгил ва кўркгил!" дегани ҳам шу: билмасанг билишга интилмасанг ҳолингвой; У ҳолда... пировардида кўркувга олиб борувчи билишга мубтало экан-да, инсон... Билиш кўркувга эмас, мұхаббатга олиб борса-чи! Яъни, "билгил ва севгил!" тушуняпсанми тинимсиз билиш, билишга қизикиш ўйлов аршидаги мұхаббат кошонасига олиб чиқса нимаси ёмон?! Наҳотки, инсонийлик мақомининг мунгли ва мунис мусиқасини тинглаб ором толмоқ учун мұхаббатдан кўра кўркув таҳлика қулайроқ бўлса?"(4).

Кўринадики, бугунги ҳикоячилигимиз қаҳрамони "Бугун эрталаб" асари мисолида кузатилаётгандек, инсонни, жамиятни, дунёни, воқелик жараёнларини фалсафий идрок ва ифода этишдаги тафаккур теранлиги билан умуминсоний хислат-фазилатлар касб этаётир. Кўнгил деб аталган маънавий-психологик оламнинг зиддиятли, мураккаб, ҳам нурли ва яна айни пайтда қоронғу кўчаларини, одамийликнинг янги-янги қирраларини кашф этаётир. Туйғуларнинг фикрини ўқиши кечинмаларнинг маъносини уқиши англаш сари тутинган туйғулар реализми Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоясида бадиий психологизмнинг ўзига хос табиатини белгилабётир.

Х. Дўстмуҳаммаднинг "Бугун эрталаб" ҳикояси тажрибасида кузатадиган бўлсак, кейинги йиллар ҳикоячилигига олам ва одам сир-синоатларини, теварак-атрофимизни ўраган ижтимоий мухитни фалсафий идрок этишга қаратилган фикр-тафаккур бош қаҳрамонга айланиб бораётганини кўриш мумкин.

Демак, бугунги кунда шахсни ижтимоий-психологик планда таҳлил қилиш бадиий-эстетик тадқиқотчиликнинг мухим ҳусусиятларидан бирига айланди. Зеро, адабиётшунос Нўймон Раҳимжонов таъбири билан айтганда, "ҳамма гап адабининг қандай мавзу ва қаҳрамонларни танламасин, фалсафий-психологик таҳлил этиши ва инсоннинг зафари ёки инкиrozи орқали тириклик фалсафасини, жамият психологисини, умр

хикматини бадиий мужассамлаштира олиши, маънавий қадриятларни ҳимоя килувчи умумбашарий мазмундаги холосалар чикара билишида" (5) экан.

90-йиллардан эътиборан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бадиий эстетик изланишларида фалсафий-психологизм чукурлашди. Адаб ҳикояларида инсонни тушуниш, ҳамда тушунтиришда фалсафий маънодорлик бадиий тафаккурнинг устивор ҳусусияти бўлиб колди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг кейинги йиллар ҳикоячилиги мисолида айтадиган бўлсак, адабнинг аввалги ўн йиллик изланишларида ("Йўлакдаги одамлар", "Оқ либос", "Қоялардан баландда", "Саф", "Васий") лиризм, публицистик ўйлар, шахснинг ҳаётдаги ўрни, умрининг маъно-моҳияти ҳусусидаги мушоҳадакорлик синкретик ҳолда учради. Ана шу уйғунлик яхлит бир бадиий системага айланиб бораётган эди. Мустақиллик, миллий мағкуранинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш сари сафарбарлик адаб ижодига ҳам сифат ўзгаришлар олиб кирди. Инсон ва жамиятга башарий миёслардан нигоҳ ташлаш ўрганиш ва баҳолаш маданияти устивор тамойилга айланди. Ҳусусан, шахснинг руҳий ва фикрий эркинлиги ҳамда инсон бебаҳо интеллектуал қадриятдир деган фалсафий концепция адабининг истиклол даври ижодининг мазмун-мундарижасини белгилаб бермокда.

## АДАБИЁТЛАР

1. Дўстмуҳаммедов Х. Ҳозирғи ўзбек ҳикояларида бадиий тафаккурнинг янгиланиши. НДА, Тошкент, 1995; Дониёрова Ш. Шукур Ҳолмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги. НДА, Тошкент, 2000; Ҳамидова М. Ҳозирғи ўзбек адабиётида миллий қаҳрамон мусоммоси (Ш. Ҳолмирзаев ижоди мисолида) НДА, Тошкент, 2001; Тавалдиева Г. Шукур Ҳолмирзаев ҳикояларида воқеаликни бадиий идрок этиш принциплари. НДА, Тошкент, 2001; Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек хи-

2. Дўстмуҳаммад Х. Бугун эрталаб ҳикоя. // Шарқ юлдузи. 1994. N9-10 сонлар. 135-б.

3. Ўша манба. 140-б.

4. Ўша манба. 141-б.

5. Раҳимжонов Н. Бугуннинг қаҳрамони ким? //Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. N6. 10-б.

<b>Л.И. Штогрина</b> - У истоков каракалпакской школы изобразительного искусства .....	135
<b>Б. Базарбаев</b> - Философские аспекты проблемы постмодернизма. Новый взгляд на человека .....	137
<b>А.П. Ембергенов</b> - Модель личности и этические взгляды Ажинияза.....	139
<b>М.А. Утепбергенов</b> - Социально-психологические особенности супружеских конфликтов в каракалпакской семье.....	139
<b>Х. Ҳамидов</b> - Туýысқан түркій тиіллери тарийхы естеліклеринен .....	142
<b>А.Т. Қазақбаева</b> - Қарақалпақ тилиндеги -ла/-ле аффикси ҳәм оның фонетикалық варианты.....	144
<b>З.У. Даýлетмуратова</b> - Қарақалпақ тилинде "ата", "әке", "ага" атамаларының қолланылыў өзгешеликтери.....	146
<b>Ш. Кудьярова</b> - Қарақалпақ ҳәм қазақ тиілдеріндеги фразеологиялық сөз дизбеклеринин өзгешеликтери.....	147
<b>С. Шынназарова</b> - Қанлықөл аймагындағы қарақалпақлардың сейлеў тилинин фонетикалық өзгешеликтери.....	149
<b>Ф. Ешбердиев</b> - Қарақалпақ тилинде "бар" сөзи ҳәм оның қолланылыў.....	150
<b>Т. Бегжанов, З. Тилемова, Г.А. Бекбергенова, К.Т. Бегжанов</b> - Из профессиональной лексики рыбаков в каракалпакском языке.....	152
<b>К. Қодиров</b> - 20-йиллар морфологиясида сүз түркүмларининг ажратилиши ҳақида .....	154
<b>А.К. Оразымбетов</b> - Модальлық қатнас ҳәм модальлық мәни.....	156
<b>В.В. Уматова</b> - Основные критерии выделения структурных типов сложного синтаксического целого .....	157
<b>А. Рустамбеков</b> - Тексты общественно-политического стиля - основные принципы их перевода .	160
<b>Е. Пальчик</b> - Использование подстрочкиника, воспроизведение метра и интонации - наиболее типичные проблемы при переводе поэтических произведений .....	163
<b>Б.Х. Ҳошанов</b> - Русские предложные конструкции и их разнообразные средства передачи в каракалпакском языке .....	166
<b>С. Рузимбаев, Г. Эшчанова</b> - Своеобразие портретной характеристики образов дастанов .....	168
<b>К. Байниязов, Т. Байниязова</b> - Н.Дәўқараевтың өмири ҳәм илимий-дөретиүшилик хызметтери ҳаққында жана мағлұыматтар.....	169
<b>А.М. Бекимбетов</b> - Қарақалпақ фольклорындағы бәдик ҳәм гүлапсан жанры ҳаққында биреки аүйз сез .....	172
<b>С. Матякупов</b> - Ҳозирги ўзбек хикояларыда фалсафий-психологик таҳлил муаммоси .....	174
<b>Ә. Элеўов, С. Айтыймов</b> - Халық педагогикасындағы санаў илиминин қәлиплесій .....	176
<b>М. Бержанова</b> - Сабактан тыс жұмысларда оқыўшыларға ҳұқықый тәрбия беріудің педагогикалық шәрт-шаралтлары .....	177
<b>М. Палұаниязов, С. Айтыймов</b> - Халықтың қол өнери ҳәм эстетикалық тәрбия .....	178
<b>А. Тилегенов, Т. Артыкова</b> - Мектеплерде қарақалпақ әдебиятын оқытыўда үзлиksизlik ҳәм избе-излиktи тәmийинлеўдің илимий-методикалық тийкарлары.....	179
<b>М.К. Зарикеев</b> - Комплексное методическое обеспечение компьютерно-информационной системы управления учебно-воспитательным процессом педагогического колледжа.....	181
<b>М. Дәўлетов</b> - Н.А.Басқаков - қарақалпақ тилинің грамматикалық қурылышын дәслепки изертглеўши .....	182
<b>А. Шерматов, Г. Каллибекова</b> - О классификации дейктических слов .....	184
<b>Г.Ш. Артыкова, Т.Х. Турумова</b> - О проблемах изучения дисциплины "классические языки" на отделении славянской филологии.....	185
<b>М. Қалендеров</b> - Qaraqalpaqsha-o'zbekshe-englishansha so'zlikti du'ziwdin' ma'nisi menen maqseti haqqında .....	186
<b>К. Жәримбетов</b> - Қарақалпақ қосықлары: терминологиялық таллау .....	187
<b>А. Мамбетниязова, М. Аметова, Г. Нагметова</b> - Гәп қурамындағы ажыратылған гәп бөлеклердин анализленійі (немис тили материаллары тийкарында) .....	188
<b>Ж. Ҳошниязов, Р. Турганбаев</b> - Отражение хозяйственных мотивов в каракалпакском эпосе....	189
<b>О. Доспанов, Д.О. Доспанова, З.Ж. Тилемова</b> - Ценное исследование о культуре и тюркоязычной литературе XIV века.....	190
<b>О. Доспанов</b> - Туркологлардың халық аралық конгресси .....	192
<b>К. Тарихов, Р. Жарылқаганов</b> - Олди-сотди шартномасыда товарнинг сифати .....	193
Мадрейму Ережепову, известному физику - 70 лет .....	195